

## АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*ТДИУ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси  
Бозоров Ильёс Исомиддинович  
E-mail: ilyos.b.1986@list.ru*

**Аннотация:** Мақолада Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, кичик ва бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни йўлга қўйиш хамда ишбилармонлик мухитини яратишда кафолатли жамғармалар ташкил этиш орқали инвестицион мухитни янада такомиллаштириш ҳақида таклиф ва хуласалар келтирилган.

**Abstract:** The article highlights the priorities of successive reforms in Uzbekistan, the need to Finance investment projects for the development of small and medium-sized businesses and private entrepreneurship and the possibility of financing through foreign credit lines and banks, as well as conclusions and proposals for further improvement of the investment climate by creating guaranteed funds to create a business environment.

**Аннотация:** В статье освещены приоритетные направления последовательных реформ в Узбекистане, необходимость финансирование инвестиционных проектов для развития малого и среднего бизнеса и частного предпринимательства и возможности финансирования за счет иностранных кредитных линий и банков, а также выводы и предложения по дальнейшему улучшению инвестиционного климата путем создания гарантированных фондов для создания бизнес-среды.

**Калит сўзлар:** ижтимоий, фаровонлик, стратегия, иқтисодий омил, ишбилармонлик мухити, ноиқтисодий омиллар, иқтисодий ривожланиш, барқарор иқтисодий ривожланиш, ресурслардан самарали фойдаланиш.

**Ключевые слова:** социальные, благосостояние, стратегия, экономический фактор, бизнес-среда, неэкономические факторы, экономическое развитие, устойчивое экономическое развитие, эффективное использование ресурсов.


**Key Words:** social, welfare, strategy, economic factor, business environment, non-economic factors, economic development, sustainable economic development, efficient use of resources.

Аҳоли турмуш тарзи ва фаровонликнинг мавжуд назариялари ижтимоий фаровонликнинг эришилган даражасини изоҳловчи сабаблар сифатида қўйидагиларни кўрсатади: қулай географик жойлашув, қулай иқлимий шароит, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, аҳоли сони, инсон капитали, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидағи иштирок мухим хисобланади. Фаровонлик назариясининг ҳар бири ўзига хос қизиқарли бўлсада, ўзининг мукаммаллигини аниқ намоён эта олмади.

Ҳақиқатан ҳам, аҳоли фаровонлиги турлича табиатга, таъсир кўрсатиш тавсифи ва даражасига эга бўлган кўплаб омиллар таъсирида шаклланади. Ушбу омиллар ҳаётий зарур неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилишга таъсир кўрсатади, инсоннинг эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи табиий ва ижтимоий мухитнинг ҳолатини белгилайди.


Омилларнинг бутун мажмуини қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин (1-расм).

## 1-расм. Миллий фаровонликни шакллантирувчи омиллар.



В.Зомбартнинг таъкидлашича: “Тадбиркорсиз ҳеч нарса рўй бермайди.

Ишлаб чиқаришнинг барча бошқа омиллари - меҳнат ва капитал - тадбиркорга боғлиқ ва унинг ижодий фаолияти эвазига ҳаёт учун интилиш пайдо бўлади”. Тадбиркорлик фаолиятисиз бозор иқтисодиёти амал ҳам қила олмайди, ривожлана ҳам олмайди. Тадбиркорликнинг изчил ривожланиши миллий фаровонлик даражасини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Буни миллий фаровонлик ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро таъсири модели орқали ҳам кўриш мумкин (1-расм).



**2-расм. Миллий фаровонлик ва тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро таъсири модели.**

Расмдаги чизмадан кўринадики, “Тадбиркорлик фаолияти - миллий фаровонлик” циклида иккита ўзаро боғлиқлик мавжуд. Улардан бири иқтисодий ривожланишнинг даражасини белгилаб берувчи тадбиркорлик фаолиятидан миллий фаровонлик даражаси орқали белгиланувчи инсон тараққиёти томон олиб боради. У тадбиркорлик фаолиятининг миллий фаровонликни ўсиши ва инсон тараққиётiga таъсирини ифодалайди.

Бошқа бири тескари томонга ҳаракатланиб, миллий бойлик ва инсон тараққиёти даражасининг жамиятдаги тадбиркорлик фаолигига таъсири ва унинг иқтисодий ривожланишини таъминлашини ифодалайди. Ҳар бир ҳолатда мустаҳкам алоқалар мавжуд, бироқ, уларнинг ҳеч бирида бу алоқалар ўта мукаммал ёки жуда самарали ҳисобланмайди. Миллий фаровонлик ва тадбиркорлик ўртасидаги боғлиқлик ҳар доим ҳам бевосита ва бир хил даражада мустаҳкам бўлмасада, улар аҳамиятли даражада ўзаро боғлиқ категорияларни намоён этади.

### 1-жадвал

#### Фаровонликнинг мазмунига турлича назарий қарашларнинг қисқача мазмун<sup>1</sup>

| Назарий қарашлар муаллифлари | Аҳоли фаровонлигининг  | Асосий шартларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги   |
|------------------------------|--|---|
| А.Смит                       | Ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги<br>Ижтимоий меҳнатнинг эҳтиёжлар билан | Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг асосий шарти меҳнатнинг асосий шарт-шароитлари (яниги техника ва технологияларни қўллаш)<br>хамда фаолият эркинлиги ҳисобланиб, булар асосан эркин тадбиркорлик |

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

|  |  |  |
|--|--|--|
| Неоклассик назария<br>Вакиллари<br>(Л.Вальрас,<br>К.Менгер, У.Жевонс<br>ва бошқалар) | Алоҳида шахснинг<br>афзал кўриши<br>Рационал танловни<br>амалга ошириш учун<br>шарт- | Алоҳида шахснинг афзал кўришига эришиш<br>бозор шароитида амал қилувчи танлов<br>эркинлигини тақозо этиб, бунга<br>тадбиркорлик фаолияти орқали шароит<br>яратилади. |
| В.Парето   | Ресурсларнинг<br>оптимал жойлашуви<br>(тақсимланиши)                                 | Ресурсларнинг оптимал жойлашуви<br>(тақсимланиши) бозор механизмла-рига<br>асосланувчи эркин тадбиркорлик фаолияти   |
| А.Пигу   | Ресурслардан<br>фойдаланиш ва<br>даромадларни<br>тақсимлаш                           | Ресурслардан фойдаланиш ва даромадларни<br>тақсимлаш жараён-ларига давлатнинг<br>аралашуви тадбиркорлик фаолиятининг<br>эркин ҳаракати учун объектив тўсиқлар        |
| Ж.Гобсон   | Шахсий соғлиқ<br>Давлат масъулияти   | Фуқароларнинг шахсий соғлигини<br>таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг<br>аҳамиятли қисмига тадбиркорлик фаолияти<br>орқали эришилади.                               |
| Ж.М.Кейнс  | Давлатнинг<br>макроиқтисодий<br>сиёсати Ресурслар<br>бандлиги ва миллий              | Тадбиркорлик сектори давлатнинг<br>макроиқтисодий сиёсатини амалга<br>oshireshning muhim va markaziy bўfini<br>xisoblanadi.  |
| К.Эрроу  | Афзал кўриш<br>тизимининг<br>доимийлиги<br>Танловнинг                                | Афзал кўриш тизимининг доимий-лиги<br>тадбиркорлик фаолияти учун етарли шарт-<br>шароитларни яратиш билан боғлиқ.<br>Танловнинг мавжудлигига                         |
| А.Бергсон  | Иқтисодий сиёсат   | Тадбиркорлик сектори давлат иқтисодий<br>сиёсатини амалга oшиreshning muhim va   |
| П.Самуэльсон   | “Харажатлар -<br>маҳсулот чиқариш”<br>нишбатин                                       | “Харажатлар - маҳсулот чиқариш”<br>нишбатини<br>максималлаштиришга асосан  |
| Р.Титмус,<br>Э.Хансен<br>,<br>Г.Мюрдаль,   | Фуқароларнинг<br>фаровонлиги учун<br>давлатнинг<br>масъуллиги                        | Фуқароларнинг фаровонлиги<br>учун давлатнинг<br>масъуллиги жамиятда тадбиркорлик<br>фаолияти учун етарли шарт-шароитларни  |
| Ж.Бьюкенен   | Қайта тақсимлаш<br>сиёсатида намоён<br>бўлувчи манбаатлар                            | Қайта тақсимлаш сиёсатида<br>намоён бўлувчи<br>манбаатларни таъминлашга  |

Жадвал маълумотларидан кўринадики, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятда аҳоли фаровонлигининг дастлабки шарт-шароитларини таъминлаш ҳамда унинг юқори даражасига эришиш тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ.

Я.Хабиевнинг таъкидлашича, “Кичик бизнес қисқа муддатлар ичидаги муайян бозорларда талаб қилинувчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир. Кичик тадбиркорликнинг бозордаги ўзгарувчан эҳтиёжларга оператив тарзда жавоб қайтара олиш имконини берувчи ишлаб чиқариш, технологик ва маъмурий мослашувчанлиги ҳам унинг муваффақиятли ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Кичик тадбиркорликнинг ички табиатига хос бўлган барча камчиликларни эътироф этган ҳолда таъкидлаш лозимки, шунга қарамай миллий кичик бизнес ўзининг амалий фаолиятида инновацион маҳсулотларни қўллаш ҳамда янги

технологиялардан фойдаланиш имкониятларига ўта сөзгир ҳисобланади”<sup>2</sup>. “АҚШ Миллий илмий фондининг маълумотларига кўра, илмий-тадқиқот ишларига сарфланган 1 доллар ҳисобига кичик корхоналарда ўрта корхоналарга қараганда 4 баравар, йирик корпорацияларга қараганда 24 марта кўпроқ янги ишланмалар олинган. Статистика бўйича кичик корхонанинг битта ходимига йирик корхона ходимга қараганда 2,5 баравар кўпроқ инновация тўғри келади”.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият эркинлигини таъминлаш имкониятлари ҳам муҳим ўрин тутади. “Тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги хўжалик фаолияти турини ва хўжалик юритишнинг ташкилий шаклларини, ишлаб чиқариш таркибий тузилмаси ва ҳажмларини, маҳсулотни сотиш шартлари, нархи ва фойдани тақсимлаш нисбатларини танлаш имкониятларидан иборат”. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, ушбу имкониятлар кичик тадбиркорлик субъектларида нисбатан кенгроқ намоён бўлади. “Замонавий ривожланган иқтисодиётлар тарихи - бу эркин тадбиркорликнинг ривожланиши амалиётидир. Ишлаб чиқариш эркинлиги, фаолият турларини танлаш эркинлиги, сотиш бозорларини танлаш эркинлиги ва истеъмол эркинлиги эркин тадбиркорликнинг ривожланиши учун пойдевор бўлиб ҳисобланади”.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кичик тадбиркорлик субъектлари алоҳида шахсларнинг эҳтиёжларини нисбатан чуқурроқ ва аниқроқ ҳисобга оладилар, ўз меҳнат жараёнларини алоҳида шахсларнинг эҳтиёж талабларига нисбатан кўпроқ мослаштирадилар. “Кичик корхоналар хўжалик қарорлари ҳамда мақсадларга тузатишлар киритиш бўйича қарорларнинг тезроқ қабул қилинишини таъминловчи бошқарув тузилмаларининг соддалиги туфайли бозор талаблари ва муайян истеъмолчилар эҳтиёжларига қисқа муддатда ва яхшироқ мослашиш имконига эга. Бундан ташқари, кичик корхоналарда маҳсулот ва хизматларнинг нисбатан юқори сифати шароитида маҳсулот таннаҳи йирик корхоналарга нисбатан пастроқ бўлади”.

## 2-жадвал

### Аҳоли фаровонлиги асосий шартларининг кичик тадбиркорлик субъектларида намоён бўлиш хусусиятлари

| <b>Аҳоли фаровонлиги асосий шартларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги</b>  | <b>Мазкур боғлиқликнинг кичик тадбиркорлик субъектларида намоён бўлиш хусусиятлари</b>  |
|--|---|
| <p>Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг асосий шарти меҳнатнинг асосий шарт-шароитлари (янги техника ва технологияларни қўллаш) ҳамда фаолият эркинлиги ҳисобланиб, булар асосан эркин тадбиркорлик фаолиятида таъминланади.</p> <p>Ижтимоий меҳнатнинг эҳтиёжлар билан</p> | <p>Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида янги техника ва технологияларни қўллаш ҳамда фаолият эркинлигини таъминлаш имкониятларининг кучлилиги.</p> <p>Кичик тадбиркорлик субъектлари алоҳида шахсларнинг эҳтиёжларини нисбатан чуқурроқ ва аниқроқ ҳисобга оладилар, ўз меҳнат жараёнларини алоҳида шахсларнинг эҳтиёж</p> |

<sup>2</sup> Хабыев Я. Малый бизнес — факторы роста и развития // Молодой ученый. — 2014. — № 11 (70). — С. 238

242. — URL: <https://moluch.ru/archive/70/11981/>

|  |  |
|--|--|
| <p>Алоҳида шахснинг афзал кўришига эришиш бозор шароитида амал қилувчи танлов эркинлигини тақозо этиб, бунга тадбиркорлик фаолияти орқали шароит яратилади.</p>                      | <p>Алоҳида шахснинг афзал кўришига эришиш йирик тадбиркорлик фаолиятига нисбатан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида яхшироқ таъминланади.</p>   |
| <p>Рационал танловни амалга оширишга кўпроқ кичик тадбиркорликнинг</p> <p>Ресурсларнинг оптимал жойлашуви<br/>(тақсимланиши) бозор механизмларига асосланувчи эркин тадбиркорлик</p> | <p>Ресурсларнинг оптимал жойлашуви<br/>(тақсимланиши), жумладан, иккиламчи ва чиқитсиз тарзда ишлатилиши кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти</p>   |
| <p>Ресурслардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлаш жараён-ларига давлатнинг аралашуви тадбиркорлик фаолиятининг эркин ҳаракати учун</p>  | <p>Ресурслардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлаш жараёнларида кичик тадбиркорлик субъектлари учун тенг иқтисодий шароитларни таъминлашда давлатнинг аралашувига эҳтиёж кучлироқ намоён бўлади.</p>   |
| <p>Фуқароларнинг шахсий соғлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг қисмига тадбиркорлик фаолияти орқали эришилади.</p> <p>Давлат масъулияти асосилаги ҳатти-</p>                 | <p>Фуқароларнинг шахсий соғлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларнинг манзиллиги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти орқали яхшироқ таъминланади.</p> <p>Давлат масъулияти асосидағи ҳатти- ҳаракатларга эҳтиёж кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кучлироқ намоён</p> |
| <p>“Харажатлар - маҳсулот чиқариш” нисбатини максималлаштиришга асосан бозор ва тадбиркорликнинг амал қилиш якқолроқ эришилади.</p>  | <p>“Харажатлар - маҳсулот чиқариш” нисбатини максималлаштиришга кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида</p>  |
| <p>Фуқароларнинг фаровонлиги учун давлатнинг масъуллиги жамиятда тадбиркорлик фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ.</p>   | <p>Фуқароларнинг фаровонлиги учун давлатнинг масъуллиги жамиятда айниқса кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратиш билан кўпроқ</p>  |

Алоҳида шахснинг афзал кўришига эришиш йирик тадбиркорлик фаолиятига нисбатан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида яхшироқ таъминланади. “Истеъмолчиларнинг афзал кўриши - мақсадли аудитория орасида товарлар, маҳсулотлар, хизматларнинг талаб этилишиди. Ҳар бир истеъмолчи товарларни харид қилиш, хизматларни сотиб олиш тўғрисида мустақил қарор қабул қиласи. Инсон ўз эҳтиёжларини қондиришга, турли туман неъматлар ёрдамида ўзига қониқиши олишга интилади.

Алоҳида шахснинг рационал танловига кўпроқ кичик тадбиркорликнинг амал қилиш шароитида эришилади. “Истеъмолчининг рационал танлови ва рационал хулқатвори тушунчалари иқтисодиёт назариясида муҳим роль ўйнайди. Иқтисодиёт нуқтаси назаридан рационал хулқатвор унинг оқилона манфаатларга мувофиқлигини назарда тутади. Рационал истеъмолчи у томонидан истеъмол қилинаётган неъматларнинг умумий фойдалилигини максималлаштиришга ҳаракат қиласи”. Хўжалик юритишнинг кичик ҳажм (миқёс)лари шароитида шахснинг ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳлил ва назорат қилиш имконияти кенгроқ бўлиб, танлов учун хизмат қилувчи мезон ва

кўрсаткичлар билан иш кўриш қулайроқ ҳисобланади.

Ресурсларнинг оптимал жойлашуви (тақсимланиши), жумладан, иккиламчи ва чиқитсиз тарзда ишлатилиши кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти орқали нисбатан самарали таъминланади. Чунки, бир томондан, мазкур масаланинг етарли даражада самарали ҳал этилмаслиги, кичик тадбиркорлик субъектларига йирик корхоналарга нисбатан тезроқ ва жиддийроқ таъсир кўрсатади. Бошқа томондан эса, кичик тадбиркорлик фаолият кўламларининг у қадар кенг эмаслиги, унда қўлланиладиган иқтисодий ресурсларнинг турлари ва микдори жиҳатидан озлиги, ресурсларни сақлаш, ишлаб чиқариш майдончалари бўйича ҳаракатлантириш ва бошқариш жараёнларининг нисбатан соддалиги мазкур жараёнлар самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ресурслардан фойдаланиш ва даромадларни тақсимлаш жараёнларида кичик тадбиркорлик субъектлари учун тенг иқтисодий шароитларни таъминлашда давлатнинг аралашувига эҳтиёж кучлироқ намоён бўлади. Бизга маълумки, кичик тадбиркорлик субъектларида ўз кўлами ва фаолият доирасининг чекланганлиги сабабли йирик корхоналар билан рақобатда доимий равишда заифлик намоён бўлади. Айниқса, турли ресурслардан фойдаланиш имкониятлари тенг бўлмаслиги давлат томонидан қўллаб-куватлашга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Шунга кўра, фуқароларнинг фаровонлиги учун давлатнинг масъуллиги жамиятда айниқса кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун етарли шарт-шароитларни яратиш билан кўпроқ боғлиқлиги ҳам яққол намоён бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли фаровонлигини оширишда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг имкон қадар тўлиқ инобатга олиниши пировардида аҳоли фаровонлиги даражасини юксалтиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743 <http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
- Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
- Қличев Б. (2023). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>;
- Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>;
- Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023 b). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>
- M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО‘К: 657(075.8)

7. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
8. O.Xudoyorov (2017) Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
9. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
10. Холиқулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
11. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/2555>
12. О.О.Худоёров, & Ш.О.Фозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/2556>
13. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
14. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
15. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12137](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137)
16. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
17. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
18. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ҲИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ . World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/2558>
19. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/2552>
20. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquiliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
21. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
22. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ

- ФАОЛИЯТИ: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11). Экономика и образование, 23(3), 71-78.
23. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
24. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
25. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. *The Innovation Economy*, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
26. Xoliquulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
27. Ibragimova I., Tursunov U., NosirovA. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558
28. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. *International Journal of Management, IT & Engineering*. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558, [https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME\\_MAY2023/IJMIE2May23\\_Uzb.pdf](https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf)
29. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
30. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
31. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Soljanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION*, 37(3).
32. Saidova, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
33. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. *Economics and Innovative Technologies*, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
34. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
35. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 115–122. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11782](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782)